O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 9-OKTYABR ■ SHANBA ■ 121 (27.296) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан парламентнинг қуйи палатасига сайлов бир юз йигирмата ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини 119,6 минг сайловчи қилиб белгилаб қўйган эди. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун тегишли ҳудудлар доирасида сайлов округларини тузиш бўйича Марказий сайлов комиссиясига тақдимномалар киритган эдилар. Ушбу тақдимномаларга асосан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун сайлов округларини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ тузилган сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига таалluқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг регламенти лойиҳаси Комиссия аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

**(ЎзА)**

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**

## КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

Андижондаги «Ўз-Донг Жу Пенит Ко» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси йилига 3750 тонна автомобиль ҳамда 2000 тонна қурилиш ва саноат бўёқлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхона асосан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган «ЎзДЭУ» русумидаги автомобиллар учун ўттиздан ортиқ рангдаги бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Ўтган саккиз ой давомида 1294 тонна автомобиль ва 883 тоннадан ортиқ қурилиш ҳамда саноат бўёқлари харидорларга етказиб берилди.

Айни пайтда қўшма корхонада 226 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар учун керакли шарт-шароит яратилган. Ходимларни ишга олиб келиш ва уйларига етказиб қўйиш учун корхона махсус автотранспорт ажратган. Бундан ташқари, улар бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланганлар.

Корхона мутахассислари маҳсулот турини янада кўпайтириш билан бирга, унинг таннархини арзонлаштириш борасида бетиним изланишлар олиб бормоқда.

**Суратларда:** бўёқ тайёрлаш цехи оператори Бахтиёр Зухритдинов; қўшма корхона ҳовлисида; бўёқ тайёрловчи Мирхожиддин Раҳмонов иш устида.

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**







## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИГА ТАКЛИФЛАР

**26 ДЕКАБРЬ**



**ЭРТАНГИ КУНИМИЗ САЙЛОВЛАР НАТИЖАЛАРИГА, САЙЛОВЛАР НАТИЖАЛАРИ ЭСА, БИЗ БЕРАДИГАН ОВОЗГА БОҒЛИҚ!**

### МЕНИНГ ТАКЛИФЛАРИМ

Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди ҳужжати тайёрланаётганидан партия ахбороти каналлари ва «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилаётган материаллар орқали ҳабар топдик. Мен ҳам шу муҳим ишга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида айрим фикр-мулоҳазаларимни айтмоқчи эдим.

Энг аввало, партиямизнинг сайловолди ҳужжати қандай номланиши тўғрисида. Бировлар **«дастур»** демоқдалар, яна бировлар **«платформа»** деб айтаяптилар. Фикримча, иккинчи атама, яъни **платформа** маъқулроқ. Чунки, дастурлар кўп, партиямизнинг умумий Дастури, Экологик дастури, сал олдинроқ Миллий истиқлол мафкураси дастури қабул қилинган эди. Бошқа турли дастурлар ҳам кўп. Яна бир дастур пайдо бўлса, одамларни чалғитиб қўймаймизми? Шунинг учун мен бўлажак сиёсий ҳужжат Ўзбекистон ХДПнинг **сайловолди платформаси** деб аталиши тарафдориман.

Яна бир мулоҳазам — сайловолди платформамиз озгина-ю созгина бўлсин. Ундан назарий мулоҳазалар эмас, сиёсий хулосалар ва амалий таклифлар жой олсин.

Ва ниҳоят, истардимки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайлов олдидан қабул қиладиган сиёсий платформасида оддий кишиларнинг турмуш даражасини кўтариш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисидаги ўз таклифларини эълон қилсин. Ана шунда у кўпчиликка манзур, жозибали бўлади.

Шундай ҳужжат тайёрланиб, партиянинг бўлажак қурултойида қабул қилинса, биз фаоллар уни бажонидил тарғиб қиламиз.

**Саидмурод КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши биринчи котиби**

### МУАММО ҚЎЙИШ ЭМАС, ЕЧИМИ МУҲИМ

Жойларда ўтказилаётган кўпгина учрашувларда иштирокчилар бир нарсани кўп бор таъкидлашади: «Халқ демократик партиясининг аввалги сайловолди дастури ўта илмий тилда ёзилган эди. Бу уни тушунишни қийинлаштирди».

Биз, биринчи навбатда, сайловолди платформасидаги фикрлар оддий ишчидан тортиб академиккача тушунарли жумлаларда ифодаланиши тарафдоримиз.

Иккинчидан, унда ваъдабозлик эмас, мавжуд муаммоларни ечиш йўллари кўрсатилган бўлиши керак. Масалан, ҳозир нақд пул билан таъминланиш муҳим муаммолардан биридир. Сир эмас, кўпчилик, ҳатто бюджет таъминотидаги ташкилотларда ҳам маошларда узилиш ҳоллари рўй бермоқда. Аммо, ушбу масала айтиш ёки жар солиш билан чекиниб ёхуд ҳал бўлиб қолмайди. Қолаверса, сиёсий партиянинг обрўйи масалани гапириш орқали эмас, уни ечиш йўлларини кўрсатиши билан ортади.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва гиёҳвандликнинг ортаётганлиги кузатилмоқда. Фикримизча, етарли равишда иш билан таъминланмаганлик, шароитларнинг етарли эмаслиги ва ҳоказо муаммолар бундай салбий ҳолларнинг ортишига сабаб бўлаётир. Биз Халқ демократик партиясининг сайловолди платформасида айнан ёшлар билан боғлиқ муаммолар ечимига алоҳида урғу берилишини хоҳлаймиз.

**Раимберган САБУРОВ,**
**ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби**

## МАРРАГА ЕТГАН ТУМАНЛАР

***Мухбирларимиз хабар қиладилар.***

**Қорақалпоғистон.** Қораўзак ва Қўнғирот туманлари пахтакорлари ўтган йилларда ҳам давлатга пахта сотиш шартномавий режаларини бажаришда пешқадамлик қилган эдилар.

Бу йил ҳам туманларнинг барча хўжаликларида терим уюшқоқлик билан бошланди. Уларда ҳар куни хирмонга 7-7,5 фоиздан, баъзан ундан ҳам ошириб хомашё тўкилди. Режалар уддаланган куни умумий хирмонлар Қораўзакда — 3400 тонна, Қўнғиротда — 4000 тонна тош босди.

Ҳар икки туман заршуносларининг шаштлари баланд. Масалан, қўнғиротликлар мавсум охиригача яна 4000 тонна пахта йиғиб олиб, хирмон салмоғини 8000 тоннага етказишга бел боғлашди.

**«Пахта — 2004»**



**Самарқанд.** Нарпай тумани вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш йиллик шартномавий режасини уддалади. Эл хирмонига 30200 тонна ўрнига 30400 тонна «оқ олтин» тўкилди. Уларнинг барчаси биринчи навларга қабул қилинди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги ўртача 28 центнердан ошиб тушди.

Эришилган ютуқда «Бўстон», «Самарқанд», Ислом Шоир номли, «Ғалаба», «Оқ олтин» каби ширкат хўжаликлари ва ўнлаб фермер хўжаликларининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.

**Бухоро.** Бу йилги пахта йиғим-теримида вобкентликлар маррага яна вилоятда биринчи бўлиб етиб келишди. Қабул масканларига 34500 тоннадан зиёд аъло сифатли хомашё етказиб берилди.

— Шартномавий режани 18 иш кунида бажарган деҳқонларимиз ҳосилдорликни 33 центнерга етказдилар, — дейди туман ҳокими Муҳиддин Эсонов. — Мавсум охиригача яна давлатга 7000 тонна пахта сотамиз. Бу — 12 миллиард сўм даромад дегани.

**Андижон.** Избоскан, Жалақудуқ, Хўжаобод туманлари заршунослари учун бу йилги пахта мавсуми баракали келди. Избосканликлар она-Ватан омборига 28 минг 638 тонна хомашё топшириб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 31 центнердан оширдилар. Тайёрланган ҳосилнинг 91 фоизи биринчи навга қабул қилинди. 22 минг 882 тонналик хирмон уйган жалақудуқликлар ҳам режага қўшимча яна 2710 тонна ҳосил йиғиб олишга ва ҳосилдорликда избосканликлардан қолишмасликка сўз беришди.

Зафар қучган хўжаободликлар эса шу кунларда зиммаларига олган мажбуриятлари ҳисобига ҳосил топшираяптилар.

## ИШБИЛАРМОН КОНГРЕССИ

Варшавада «Интеграциялашган» жаҳон бозорларида кичик ва ўрта корхоналар» мавзуида 31-жаҳон кичик тадбиркорлик конгресси якунланди. Польша пойтахтига дунёнинг 60 та мамлакати вакиллари қаторида Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Ш.Абдуллаева бошчилигидаги ҳайъат ҳам ташриф буюрди.

Жаҳон кичик тадбиркорлик конгресси (ISBC) 30 йилликдан ортиқроқ тарихга эга. Ушбу анжумандан кўзланган мақсад кичик ва ўрта корхоналарни тарғиб қилиш, уларнинг турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини кўрсатиш, ишбилармонларнинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга кўмак беришдан иборат.

Конгресснинг тантанали очилиш маросимида Польша президенти А.Квасьневский сўзга чиқди. Шундан сўнг уч кун давомида анжуман иштирокчилари «Давлат ва минтақалар стратегиясида кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг ўрни», «Фан кичик ва ўрта тадбиркорликни тараққий эттириш манфаатлари йўлида», «Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришда молиявий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти», «Тадбиркорлар ташкилоти ва ҳудудий ўзини-ўзи бошқаришнинг вазифалари» каби мавзуларда мунозаралар олиб боришди.

Конгресс доирасида Ш.Абдуллаева ҳамда Польша иқтисодиёт ва меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари Я.Пехота ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва Тошкентда Польша миллий кўргазмасини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, ўзбек ҳайъати аъзоларининг «Bumar», «Budimex» ва «Abplanalb» компаниялари раҳбарлари билан мулоқотлари бўлиб ўтди.

**«Жаҳон» АА**

**Кучли давлатдан кучли жамият сари**

## МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Кўппартиявийлик асосида демократик сайловлар ўтказиш тизими инсониятнинг фуқаролик жамияти қуриш йўлида эришган улкан ютуғидир.

Бу тизим давлат бошқарувида демократик тамойилларнинг амал қилиши, парламент депутатларининг адолатли сайланиши ва фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан эркин фойдаланишларини таъминламоқда. Аммо, шуни назардан қочирмаслик керакки, умумдемократик тамойилларнинг илғорлиги, оммавийлиги аввало, ҳар бир халқнинг миллий менталитет хусусиятларини унда қай даражада акс этиши ва асос қилиб олиниши билан боғлиқ. Тарихда айнан шундай йўл тутган ва бугунги кунда катта муваффақиятларга эришаётган Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Ҳиндистон ва бошқа давлатларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Энди улар қаторига Ўзбекистон Республикаси ҳам киради. Мамлакатимизда умумдемократик тамойилларга таянадиган миллий парламент ташкил қилиш бўйича тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Хўш, миллий менталитет хусусиятлари нималарда кўринади? Менталитет хусусиятлари мамлакат фуқароларининг ижтимоий-сиёсий дунёқараши, қонунчиликка муносабати, бошқарувда иштирок этиш усули ва кундалик фаолиятида демократик тамойилларга амал қилиш меъёрларида яққол кўзга ташланади.

Ғарбона демократик тамойилларнинг муҳим хусусияти, унинг шахс индивидуализмига ҳар жиҳатдан мослигида бўлса, шарқона демократия кўпроқ жамоавийлик руҳиятига таянади. Бизда шахс индивидуализмига фақат жамоавийлик орқалигина эришиш мумкин. Бу ўзига хослик фуқароларнинг қонунга муносабати ва итоатида кўзга ташланади. Ғарбда шахс индивидуализми устидан қонун устивор бўлса, Шарқда миллий менталитет унсурлари устиворлик қилади. Бу ҳолат биздан шахсда мустақил ижтимоий-сиёсий фикрни шакллантиришда, сайловолди тадбирларини ўтказишда менталитет хусусиятларига жиддий эътибор беришни талаб қилади.

Халқимиз шўролар демократияси даврида якка партиявийлик шароитида миллий менталитет хусусиятларини инкор этишнинг фожиали оқибатларини бошдан кечирди.

2-бет

## «ШАҲРИСТОН» — МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Бухородаги Тоқи Телпакфурушон меъморий ёдгорлиги олдида «Шаҳристон» меҳмонхонаси қад ростлади. Миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида бунёд этилган бу бино «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти билан Германиянинг «Немус» компанияси сармоялари эвазига барпо этилди.

— Ҳар бир хона жаҳон талаблари даражасида жиҳозланган, сўнгги русумдаги телевизорларда дунё телеканаллари орқали намойиш этилаётган кўрсатув кино ва хабарларни томоша қилиш имконияти мавжуд. Компьютерлар эса интернет тармоғига уланган, — дейди «Немус» компанияси раҳбари Элфира Лаушке. — Бу меҳмонхона сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасида Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу иншоотни Галаосиёдаги «47-кўчма механизациялашган жамланма» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари қуриб фойдаланишга топширишди. Бухорога келувчи хорижлик сайёҳлар энди ҳайратомуз бу меҳмонхонада истиқомат қилишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Поп тумани марказида «Фазилат — медикал» хусусий шифохонаси иш бошлади. 10 ўринга мўлжалланган ички касалликлар шифохонасида 8 нафар малакали тиббиёт ходими хизмат қилмоқда.

— Шифохона қурилиши учун 70 миллион сўм маблағ сарф этдик. Беморлар учун қулай шароитлар яратилди. Келгусида бошқа тур касалликларни ҳам даволаш йўлга қўйилади. Ўз дорихонамизга эга бўлиш нияти ҳам бор, — дейди шифохона бош ҳакими Фазилатхон Ғаниева.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

## ИЛМИЙ АНЖУМАН

Навоийда «Сармишсой табиий-маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва бошқаришнинг янгича ёндашувлари» мавзуидаги халқаро илмий анжуман 16 октябрга қадар давом этади. Ундан кўзда тутилган мақсад — Сармишсой қоятош расмларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, ЮНЕСКОнинг Халқаро маданият ёдгорликлари рўйхатига киритиш учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуман давомида иштирокчилар томонидан тайёрланган «Сармишсой ва Тамғали қоятош расмлари ноёб ёдгорлик мисолида», «Марказий Осиёдаги табиий-маданий, археологик ёдгорликларнинг умумий сақланиши», «Табиий-археологик ёдгорлик мажмуаларини маҳаллий ва халқаро миқёсда сақлаб қолишнинг янгича йўллари», «Геологик хариталаш, биологик ўзгаришларни архивлаштириш услублари» ҳамда «Этнографик ва археологик алоқалар» каби бир қатор мавзуларда маърузалар тингланади. Ушбу илмий анжуманда Бутунжаҳон маданий мероси бошқармаси Норвегия бўлими бошлиғи Анна-Соф Хюген ҳамда Россия, Озарбойжон, Қозоғистон соҳа мутахассисларию олимлар ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн иштирок этиши кутилмоқда.

Эътиборлиси, илмий анжуманда Сармишсойдаги бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ўн мингдан ортиқ петроглифларни ўрганиш, сақлаш ва баҳолаш бўйича хорижий мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланади.

**Ўткир ПЎЛАТ**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# САЙЛОВЛАРДА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

дейди суҳбатдошимиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши иккинчи котиби Баҳриддин МУҲИДДИНОВ

**— Мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайлов кампанияси кун сайин қизғин тус олмоқда. Шу кунларда сиёсий партялар ўтказаётган тадбирлардан ҳам буни кўрса бўлади. Айтингчи, сайловларга тайёргарлик жараёнида вилоят партия кенгаши асосий эътиборни нималарга қаратаяпти?**

— Аввало шуни таъкидлаш кераккки, ҳар қандай сиёсий партия, биринчи галда, аниқ ғоя асосида муайян гуруҳларнинг манфаатини ифода этиб, сиёсий куч сифатида майдонга чиқади. Бу албатта, жамият ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг партиямиз ҳам бундан мустасно эмас. У жамият аъзоларининг манфаатини мумкин қадар кенгроқ қамраб олишга интилмоқда. Буни, айниқса, сайловларга тайёргарлик жараёнидан ҳам билса бўлади. Вилоят партия кенгашида дастлаб сайловолди штаби тузилди. Унга ижроия бюро аъзолари, туман ва шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари, фаоллар жалб қилинди. ЎзХДП Марказий Кенгаши тавсиялари асосида штаб аъзоларининг фаолият дастури ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ жойларда, айниқса, вилоят марказидан олисда жойлашган қишлоқлардаги аҳоли ўртасида икки палатали парламентнинг мазмун-моҳияти, бўлажак сайловлар тартиби, олдингисидан фарқи, кимлар депутат бўла олади каби қатор мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, вилоят партия кенгаши ҳузурида ташкил этилган Ёшлар ва хотин-қизлар марказлари иши ҳам жонлантирилди. Улар жойларда турли тадбирларни ўтказиб турибдилар.

**— Бу йилги сайловлар кескин курашлар билан ўтишига шубҳа йўқ. Ўтган сайловлар сабоқлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Ўтган сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 15 та округнинг 6 тасидан, вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округнинг 17 тасидан, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи 380 та округнинг 164 тасидан ЎзХДП рўйхати асосида кўрсатилган номзодлар депутат бўлиб сайландилар. Кези келганда шуни ҳам айтишим керакки, ўтган сайловларда нохолислик, тазйиқлар ҳам бўлди. Номзодлар сайловчиларни алдашгача бориб етдилар. Депутат бўлиб сайланганлардан айримлари эса сайловчиларини бутунлай эсламай ҳам қўйдилар. Бу сайловда эса ундай бўлмайди. Чунки, бугунги сайловчининг онги анча юқори, ёлғон ваъдаларга ҳечам ишонмайди.

Энди депутатлар фаоллигига келсак, сидқидилдан ишлаганлари ҳам бор. Олий Мажлис депутатларидан Тоҳир Баҳронов, Бахтиёр Ҳафизов, Муҳиддин Зайниев, вилоят кенгаши депутатларидан Абдуфармон Абдураҳмонов, Ахтам Улуғов, Омондулла Шодмонов, Анвар Камолов сингари жонкуярлар сайловчилари ишончини оқладилар.

**— Сайловларнинг демократик меъёрлар асосида ўтишини таъминлаш, энг аввало фуқароларнинг фаол иштирокига ҳам боғлиқ. ХДП аъзолари бўлган сайловчиларнинг ўз номзодларини қўллаб-қувватлаши ҳамда улар учун овоз беришига ишонасизми?**

— Бўлмасам-чи. Биз бўлажак сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларига номзодлар танлаш, кўрсатишга ўта масъулият билан ёндошяпмиз. Номзодларни танлашда, аввало, партия аъзоларимиз фикрига таянамиз. Жойлардаги вазиятни яхши биладиган, ўша ҳудуд ва мамлакатимиз манфаатларини уйғунлаштира оладиган, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимдон ҳамда маънавий пок инсонларни номзод қилиб кўрсатамиз. Орамизда эса улар кўпчиликни ташкил этади. Шундай бўлса-да, сайловларда ҳар биримиз масъуллигимизни унутмаймиз.

Зеро, пировард натижа сайловчи фаоллигига боғлиқ. Буни 30 мингдан зиёд партия аъзоси онгига сингдиришга ҳаракат қиляпмиз. Шу боис ҳам 900га яқин бошланғич ташкилот, 12 та шаҳар ва туман партия кенгашлари фаоллари сайлов ким нимага қодир эканлигини кўрсатувчи имтиҳон эканлигини дилдан ҳис этишади. Бу жиҳатларни ҳисобга олсак сайловларда, албатта, яхши натижага эришамиз, деб ўйлайман. Муваффақиятга эришишнинг иккинчи омили эса мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партиялар сиёсий ва ҳуқуқий маданият билан курашга чиқишлари даркор. Бунда катта маъно бор.

**Суҳбатдош: Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

*Кучли давлатдан кучли жамият сари*

# МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ ВА ДЕМОКРАТИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

У пайтларда партиянинг хоҳиш-иродаси инсон манфаатлари ва жамият қонунларидан устун эди. Шахс индивидуализми, менталитет хусусиятлари, демократик ҳуқуқлар қоғозда қолиб, амалда эса инсон улардан бутунлай ажратилиб, партиянинг оддий ва содиқ аскарига айлантирилди. Партия сафларига катта ишонч ва яхши ниятлар билан кирган кўплаб ватандошларимизнинг қисмати аччиқ бўлди. Бугунги кунда партиялар фаолиятига нисбатан одамларда сезилаётган эҳтиёткорона, совуққон муносабат асло бежиз эмас. Бу ижтимоий руҳиятда коммунистлар қолдирган аянчли хотиралар билан боғлиқ.

Коммунистлар социалистик демократиянинг «халқчиллиги»ни таъминлаш, бошқарув тизгинини ўз қўлида ушлаб туриш учун халқ депутатлигига номзодларни атайлаб ишлаб чиқариш илғорларидан танлаб олиб, рақобатсиз, номигагина овозга қўйиш йўли билан сайловнинг «муваффақиятли» ўтишини ташкил қилар эдилар. Бу усул ташқаридан қараганда мантиқан тўғридек кўринса-да, аслида демократик тамойилларга мутлақо тўғри келмас эди. Унинг партия учун ҳар томонлама афзалликлари шунда эдики, бўлажак депутатдан бошқарувга доир профессионализм талаб қилинмас, унинг функцияларини партия раҳбарлари эгаллаб олиши ва давлатни ўз хоҳиш-иродасига кўра бошқариши мумкин эди.

Афсуски, ўтмишдаги бу усулнинг кўланкаси мустақиллик шароитида, кўппартиявийлик асосида ўтказилаётган демократик сайловларнинг ўтказилишида ҳам соя ташлаб турибди. Бу сайловолди тадбирларини белгилаш, номзодлар танлаш ва улар билан индивидуал иш олиб боришда менталитет билан боғлиқ омилларга чуқурроқ кириб бориш ўрнига расмиятчиликка берилиш ҳолларида кўзга ташланмоқда. Бу йилги сайловлар янги кўринишдаги парламентга асос солишини назарда тутсак, партиялар фаолиятида расмиятчиликка чек қўйилиши ва ўз фаолиятларини халққа яқинлаштириш учун миллий менталитетимиз хусусиятларига эътибор беришни кучайтиришлари зарур. Чунки, ғарбона демократик сайлов тизимининг илғорлиги ва куч-қудрати, айнан партиялар томонидан номзоднинг шахсига доир барча маълумотларга, энг майда деталларгача ўз вақтида эътибор қаратилиб, адолат қилинишидадир.

Ўзбекистонда демократик тамойилларга тўла жавоб бера оладиган, икки палатали янги парламент ташкил қилишдан кўзланаётган асосий мақсад ҳам аслида профессионал депутатларга эга бўлишдир. Бу мақсадга эришишда асосий куч, шубҳасиз, сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидир.

Хўш, халқ депутати ким бўлиши керак ва ундан қандай сифатларга эга бўлиш талаб этилади?

Шарқ фалсафасида комил инсон тушунчаси бор. Халқ депутати қандай хислатларга эга бўлиши ҳақида узундан-узоқ гапиришдан кўра, у комил инсон бўлиши керак, дейиш кифоя. Халқ ғамини еб, манфаати йўлида ўзининг роҳат-фароғатидан мардларча воз кеча оладиган, меҳнат қилиб чарчамайдиган, ақл-идрокли, сабр-тоқатли, депутатликка муносиб шахслар орамизда кўп. Асосий масала, худди шундай кишиларни халқ депутати сифатида кашф қилиш учун партиялар фаолиятини тўғри ташкил эта олишдадир.

Масаланинг мураккаблиги ва долзарблиги шундаки, миллий менталитетимиз бундай кишиларни ўз ташаббуслари билан кураш майдонига чиқишига кўпинча йўл бермайди. Одатда, халқ хизматига камарбаста тура оладиган кишиларда камтарлик ва камсуқумлик бошқаларга қараганда устувор бўлиб, андиша ва халқнинг хоҳиш-иродасига бўйин эгиш руҳияти кучли шаклланганлиги бор гап. Андишани ўз манфаатларидан юқори қўя оладиган бундай шахслар, ўзларида мавжуд қобилиятларни ҳар қадамда очиқ-ойдин пеш қилиб, бошқарувчиликка даво қилмайдилар. Аксинча, бундай назарга табиатан эга бўлмаганлар эса, ўзларининг тор шахсий манфаатларини кўзлаб, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ҳокимиятга интиладилар. Уларнинг асосий иш усули қоғозбозлик ва тўрачиликдир. Афсуски, бундайлар учун менталитет хусусиятлари ғаразли мақсадлари йўлида қулай восита бўлиб хизмат қилади. Улар андишанинг номини қўрқоқ қўйиб, қулай вазиятда ташаббусни дарҳол қўлга оладилар.

Камтарлик, камсуқумлик, тортинчоқлик бизнинг менталитетимизга хос хусусиятлардир. Шу боис, ҳаёт қозонида қайнаб пишган, энг етук кишилар ҳам фалакнинг гардиши билан, гап ўзлари устида борадиган бўлса, ўз иймон-ихтиёрини яна кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола қилади. Ҳа, шу иш менинг қўлимдан келади, менга ишонаверинглар, дейиш ўрнига, шуни хоҳлаган эконсиз, мен нима ҳам дердим, майли сизларнинг кўмагингизда бир уриниб кўрай-чи, деб камтарлик қиладилар. Албатта, шундай кишилар раҳбар бўлгандагина ишда катта ютуқлар қўлга киритилади. Шарқликларда ҳам индивидуализм кучли, аммо у менталитет қобиғига яширинган. Уни юзага чиқариш учун партиялардан ўзига хос сиёсий санъат, кучли тактика ва маҳорат талаб қилинади.

Жамиятда кўппартиявийлик тизими — рақобат ташкил этишдан кўзланган мақсад аслида, демократик сайлов йўли билан аҳолининг турли қатламлари орасидаги комил инсонларни излаб топиш, уларни кураш майдонига олиб чиқиш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунинг учун сиёсий партиялар ўз фаолиятларида ривожланиш ва тараққиётга доир бир хил ғояларни турли хил шаклларда ифодалаш билан чекланиш ўрнига, менталитетга чуқурроқ кириб бориб, миллатни уйғотишга ҳаракат қилсалар, ҳаммага бирдек фойдали бўлар эди.

Шу ўринда сиёсий партияларнинг ҳаракат дастури, танлаган стратегик ва тактик йўли, омма орасидаги ўрни ва роли уларнинг йўлбошчилари фаолиятига бевосита боғлиқлигини алоҳида қайд этиш зарур. Шарқ менталитетида қоғозга эмас, кўпроқ жонли фикрга эргашилади. Аввало партия йўлбошчилари сиёсатда ўзини ўзи кашф қила олмас экан, улар етакчилик қилаётган партиянинг обрўси ҳеч қачон юксалмайди.

Ўтган сайловларда мавжуд сайлов округларидан номзодлар кўрсатишда баъзи сиёсий партиялар жиддий қийинчиликларга дуч келган эдилар. Афсуски, ҳозирда ҳам партияларнинг сайловолди ишларини кузатадиган бўлсак, улар томонидан олдинги сайловларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар яна такрорланаётганлигини сезиш қийин эмас. Уларнинг фаолиятида янгиликларга интилишдан кўра, эски, сийқаси чиққан усул ва воситалардан фойдаланиш кўпроқ учрамоқда. Уларда мустақил сиёсий фикр билдиришга, вазиятни холис баҳолашга интилиш ҳаракати кам учрамоқда. Агар вазиятни тўғри баҳолаб, тактик ўзгаришлар амалга оширилмаса, эртага вақт тиғиз бўлиб, «вақтинг кетди, нақдинг кетди» деганларидек, дуч келган номзод вариантига таваккал қилиб ёпишиш бошланади ва ҳамма нарса яна эскича такрорланиб, сайловчиларнинг ҳафсаласи пир бўлишига олиб келади.

Сиёсий партиянинг асосий ғояси ва унинг кураш йўли ўз йўлбошчилари томонидан белгиланади. Асосий масалалар бўйича партиянинг стратегия ва тактикаси аниқ белгиланиб, давлат дастури ва бошқа сиёсий партиялар билан ўзаро муносабат йўли ўзига хос бўлиши зарур. Афсуски, сиёсий партияларнинг айрим раҳбарлари ўз чиқишларида тап-тортмай давлат дастурига киритилган масалаларни «бизнинг дастур бу» дея кўрсатишмоқда, «Хусусийлаштириш ва эркинлаштириш — мана бизнинг ғоямиз», — деган шиорларни илгари суришмоқда. Шу ўринда табиий савол туғилади: ахир хусусийлаштириш масаласи давлатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш дастури-ку. Партиянинг ундаги алоҳида роли нимадан иборат? Бу ўринда, партия давлат олиб бораётган хусусийлаштириш ва эркинлаштириш сиёсатини маъқуллаши, шу билан бирга бу жараённи янада чуқурлаштириш учун менталитет хусусиятларига кўпроқ эътибор бериш зарурлиги таъкидланганида, балки мақсадга мувофиқроқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, партиялар фаолиятида миллий менталитет хусусиятлари ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим омили эканлигига панжа орасидан қараб, эътиборсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари учраб турибди. Ваҳоланки, партияларнинг аксарияти маънавий-сиёсий куч сифатида аввал бошданоқ менталитетга таяниб иш кўришларини дастурида катта ҳарфлар билан ёзиб қўйган эдилар.

Халқимиз бу йил катта демократик синовлар олдида турибди. Бу синовлардан муваффақиятли ўтишимизда сиёсий партиялар асосий рол ўйнайди. Халқимизнинг эртанги куни, истиқболи бугун уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти қай даражада менталитетни уйғотишга қодирлигига, миллатни уйғотиб янги зафарлар сари дадиллик билан етаклай олишига бевосита боғлиқ.

**Фарҳод ТУРҒУНБОЕВ, Фарғона Давлат университети доценти**

*Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳаётидан*

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашида** Қарши шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Партия фаоллари жорий йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш, партия марказий нашрларига 2005 йил учун обунани ташкил этиш каби масалаларни муҳокама қилиб, ўзаро фикр алмашдилар, бу борадаги ўз режалари билан ўртоқлашдилар.

**Қоракўл туман** пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида ҳам шу каби масалалар муҳокама қилинди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби Ф.Бебутов сўзга чиқди.

Хива туман кенгаши ташаббуси билан Хива — Бухоро йўналиши бўйлаб ташкил этилган от пойгасига старт берилди. Пойга очилишига бағишланган тадбирда ХДП туман кенгаши Ш.Мадаминов сўзга чиқди, республика От федерацияси бош директори Ж.Турдиматов Хива туман ҳокимлигига, ХДП туман кенгашига мусобақани ташкил этишдаги хизматлари учун миннатдорчилик билдирди.

**Шу туман**даги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги фермери, Ўзбекистон Қаҳрамони, ХДП аъзоси Б.Жуманиёзов етакчилик қилаётган 19-бўлим деҳқонлари пахта топшириш йиллик режасини бажарганлиги муносабати билан дала шийпонида катта тадбир бўлиб ўтди.

**ЎзХДП Қоракўл, Қизириқ, Ҳамза туман кенгашлари** жойларда қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб, устоз ва мураббийларни, фахрийларни хушнуд этдилар.

**ЎзХДП МК матбуот хизмати**

*Иқтисод ва ислоҳот*

# ЭКСПОРТ РИВОЖИНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми — жаҳон савдоси ташқи обороти экспорт ва импорт кўрсаткичлари билан белгиланади

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти қандай ривожланган бўлишидан қатъи назар, жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қилинмас экан, унинг тўлақонли ривожланиши амри маҳол. Дунё миқёсида кўплаб мамлакатлар чекланган ресурс базасига ва тор ички бозорга эга бўлиб, улар ўзларининг ички истеъмоли учун зарур барча товарларни тўла, самарали ишлаб чиқариш имконида бўлмайди. Шу сабаб, бундай мамлакатлар учун импорт — керакли товарларни олишнинг асосий йўли ҳисобланади.

Масалан, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи халқ хўжалиги тармоқларидан бири — цемент ишлаб чиқариш саноатини олинг. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган бу тур маҳсулот ҳозир Қўшни Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон мамлакатларида қўлма-қўл бўлиб турибди. Бу табиийки, нафақат корхоналар иқтисодий ривожига, балки давлатимиз экспорт салоҳиятининг ўсишига ҳам катта туртки бермоқда. Биринчидан, даавлат хазинасига валюта тушуми таъминланса, иккинчидан, корхона янги технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилиш учун ўз-ўзини мустақил чет эл валютаси билан таъминлашга эришади.

Корхона иқтисодий фаолиятининг экспорт йўналиши тушунчаси остида биз, одатда кенг маънода — иқтисодий битимларнинг жами миқдори асносидаги ташқи иқтисодий битимлар ижросини назарда тутамиз. Корхонанинг экспорт стратегияси ва унинг универсал таснифга эга иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий-стратегик омиллари бошқарув ходимлари томонидан амалга ошириладиган тадбирларда белгиланади. Зеро, бу тадбирлар иқтисодий фаолиятда экспорт йўналишини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ чоралар саналади.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан ташқи иқтисодий фаолият ва валюта соҳасидаги эркинлаштириш сиёсатининг натижалари юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми кўпайиб бораётганлигида яққол кўринмоқда.

Ўзбекистон бозорларида чет эл компаниялари ва фирмаларининг фаол иштирок этиши учун кафолатланган яхлит тизим республикамизда қабул қилинган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларида мустаҳкамланган. Корхоналарга улар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш юзасидан мустақил шартномалар тузишга кенг ҳуқуқ берилган.

Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ҳажмидаги экспорт миқдори ўсиши ҳисобига солиқ тўловларида ҳам имтиёзлар берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Солиқ тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида ўзи ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилувчи корхоналар экспортни ички бозор нархларидан паст нархларда амалга оширсалар, улар учун даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган база экспорт маҳсулоти сотилган ҳақиқий нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилиши назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлган ҳолатларда юридик шахслардан олинадиган даромад солиғининг белгиланган ставкаси 30 фоизга, сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳолатларда эса белгиланган фойда солиғи ставкасининг икки баравар пасайтирилиши таъкидланган. Айнан шу ҳажмдаги товарлар экспорти (сотишнинг) умумий ҳажмида 15 фоиздан 25 фоизгача бўлган ҳолларда юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкалари 30 фоизга пасайтирилиши, агар сотишнинг умумий ҳажмида 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда эса мол-мулк солиғи умуман ундирилмаслиги белгилаб қўйилган.

Шубҳа йўқки, буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарувчи корхоналар иқтисодий салоҳиятининг катта ўсишига олиб келади ва уларга соҳаларни янада кенгайтириш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, пировардида, ресурслар тежамкорлигига эришиш имконини яратади. Айни пайтда (асл моҳиятли кўрсаткичларидан бири!) ишчи-хизматчиларни мунтазам моддий-маънавий рағбатлантириб бориш манбалари туғилади.

**Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Олий бизнес мактаби тингловчиси**

*Мулоҳаза*

# ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

ЁКИ ЖОЙ НОМЛАРИ ИМЛОСИГА ДОИР

Ҳаётда инсон учун азиз нарсалар кўп. Улар орасида она тили муқаддаслиги, ўзини англаган инсон учун улуғ неъматлиги билан ажралиб туради. Ана шундай неъматдан баҳраманд бўлиш, унинг бетакрор имкониятларидан фойдалана олиш, уни бойитиб, асраб-авайлаб келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш — шу тилдан фойдаланувчилар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Маълумки, тилнинг қўлланиш доираси қанчалик кенгайса ҳамда мазкур тилдан фойдаланувчи шахслар ўз она тилига онгли муносабатда бўлсалар, ўша тилнинг келажаги ва истиқболи порлоқ бўлади. Айни пайтда тилнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳам жуда муҳимдир. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ўзбек адабий тилининг келажагини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи муҳим ҳужжат бўлиб, ижтимоий ҳаётимизда ўз кучини кўрсатиб бормоқда.

Бизнингча, Қонун талабларини бажариш фақат расмий доираларнинг вазифаси эмас, балки фуқароларимизнинг диққат марказида турадиган асосий масалалардан биридир. Қонуннинг 22-моддасида «Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади», дея таъкидланган.

Демак, жой номлари давлат тилида, яъни ўзбек адабий тилида ёзилиши лозим. Акс ҳолда Қонун талаблари бажарилмаган ҳисобланади. Ҳуқуқий-демократик давлатда эса ҳар қандай қонунни бажариш унга тўғри амал қилиш устувор вазифа саналади. Республикамизда ҳам бу борада қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ Қонун талаблари қуйи бўғинларида: идора муассасалар номини ёзишда, маҳаллалар ва бошқа географик объектлар номларини ўзбек лотин алифбосида беришда, жамоат транспортидаги ёзувларда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун талабларига тўлиқ амал қилиняпти, деб бўлмайди.

Масалан, Тошкент шаҳридаги транспорт воситаларидаги ёзувларни таҳлил қилганимизда бу салбий ҳолат кўзга яққол ташланяпти. «Юнус-обод», «Қора-су», «Беш-оғоч» шаклидаги ёзувларга кўзи тушган киши, уларни тўғри деб қабул қилади. Ваҳоланки, уларни «Юнусобод», «Қорасув», «Беш-ёғоч» тарзида бўлишини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Пойтахтимиз кўчаларида қатнаётган шинам ва қулай автобуслар пештоқига «Қуйлюк», «Кибрай», «Ак-тепе», «Бел-тепе» деб ёзиб қўйилганини қандай тушуниш мумкин? Назаримизда, бу ҳол она тилимизга ўта эътиборсизлик, унинг талабларига беписандлик, ҳурматсизликдир. Ахир пойтахтимиз нафақат хушманзара боғлари-ю, осмонўпар бинолари, балки шу масканда истиқомат қилувчи аҳолининг юксак маданий савияси билан ҳам ўрнак бўлиши лозим эмасми?

Шу ўринда жой номларининг ёзилишида йўл қўйилаётган имло хатоларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Негаки, ёзувлар — миллатнинг маънавий кўзгуси бўлиб, фуқароларимиз руҳиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ёзувдаги кичик бир эътиборсизлик натижасида катта хатолар, тарихий йўқотишлар ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ҳудудида Кадишев номли турар-жой мавзеси бор. Ўша жойда ташкил этилган бозор ҳам Кадишев номи билан юритила бошланди. Аслида, Кадишевнинг бу ерларга қандай алоқаси бор, бу алоҳида мавзу. Лекин ҳозирги пайтда аҳоли орасида ўша жой «Кадишева бозори» деб юритилмоқда ва транспорт воситаларида ҳам айни шундай ёзилмоқда. Айни ўша мавзега туташ жойда Алиев номидаги кўча бор. Нима сабабдандир у ҳам «Алиева кўчаси» деб юритилмоқда. Ахир, жой номлари халқнинг миллий-маданий бойлиги эмасми?

Яна бир мулоҳаза. Алгоритм сўзининг қўлланиши хусусида. Маълумки, буюк ватандошимиз ал-Хоразмий номининг Европа тилларига ўзлашган шакли — Алгоритм. Бизда эса «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 22-моддасига биноан, ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрларига мувофиқ барча жойларда «ал-Хоразмий мавзеси» деб ёзилиши лозим. Шунингдек, Ғазалкент шаҳрининг номи Газалкент тарзида ёзилишини қандай тушуниш мумкин? Ахир ёзувдаги бир чалкашлик оқибатида талаффузда ҳам ўзгариш содир бўлиши, натижада мазкур сўзнинг тарихий маъноларига путур етиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Умуман олганда топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия нафақат жойларга ном беришда, балки ўша номларнинг имловий тўғри ёзилиши устидан ҳам қатъий назорат олиб бориши лозимга ўхшайди. Акс ҳолда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлардек салбий, хунук ҳодисаларга дуч келаверамиз.

Айни пайтда баъзи атамаларнинг қўлланишини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Масалан, даҳа ва мавзе сўзлари аралаш ҳолда, бир-бирининг синоними тарзида қўлланаётган жойлар бор. Аслида, улардан қайси бири йирикроқ географик объектни, қайси бири кичикроғини ифодалайди ва нима сабабдан? Ёки рус тилидаги массив ва квартал сўзларига даҳа ва мавзе тўлиқ мос келадими? Бу масалалар мутахассислар иштирокида кўриб чиқилиши ва кейин амалиётга изчил жорий қилиниши лозим деб ўйлаймиз.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, айтиш мумкинки, жой номлари ҳам миллий-маданий бойлик сифатида давлат муҳофазасига олинган. Шу сабабли биз маъмурий-ҳудудий бирликлар, кўча ва майдон номларининг ўзбек тилида ёзилишига эришмоғимиз лозим. Бундай номларни миллий қадрият тарзида эъзозлашимиз, имловий тўғри ёзишимиз — давр талаби, фуқаролик бурчимиз бўлиб қолиши керак. Бу борада бизга «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Жой номлари ўсиб келаётган ёш авлод қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириши шубҳасиз.

**Равшан ЖОМОНОВ, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири**

# ОИЛАДА КИЧИК КОРХОНА

Қизилтепа туманидаги «Тошрабод» ширкат хўжалигида Бахтиёр Очилов хонадонини каттаю кичик — ҳамма билади. Яқинда оила аҳли маслаҳатлашиб ўз уйларида брезинт-этик тикишни йўлга қўйишди. Айни кезларда бу ерда ойига 250-300 тагача шундай этиклар тикилмоқда. Улар пахтакор-у ғаллакорларга мўлжалланган бўлиб, енгил, арзон ва қулай.

— Ўзига хос кичик корхонамизда ҳозир 10 нафар оға-ини меҳнат қиляпмиз. Агар буюртма кўпайса, ойига 400 тагача этик тикишимиз мумкин, — дейди хонадон соҳиби Бахтиёр Очилов.

**Музаффар ШАРОПОВ**

Бугуннинг қаҳрамонлари

# ДАГАРАЛИ

## АКАНИНГ ДАНГАЛ ГАПЛАРИ ВА ИШЛАРИ

1974-ЙИЛЛАР ЭДИ. У ТОҒ БАҒРИДА АРИҚ ҚАЗИБ, ЧЎҚҚИНИНГ ҚОР СУВЛАРИНИ ДАШТГА ОЛИБ КЕЛМОҚЧИ БЎЛДИ. УСТИДАН КУЛИШДИ. У НИЯТИДАН ҚАЙТМАДИ. ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ БИЛАН ТОРТИШИБ ҚОЛДИ... УНИ ҚАМАШДИ, БАРИБИР АЙТГАНИДАН ҚАЙТМАДИ. ЯНА ҚАМАЛДИ. КЕЙИН...

Чустга боргач, отини айтиб одамлардан сўрасак, аввалига сал иккиланиб туришдида, кейин «ҳалиги дангалчи Дагаралимасми, уйини билмаймизу, лекин даласини биламиз. Ҳув, тоғлар этагида яшайди» дейишди. Излаб-излаб ўзини топдик. Қўлидаги бир бош чириган узум ва дўл теккан олмаларни кўрсатиб, бир киши билан торитишаётган экан: «Узумлар пишиб ўтиб кетаяпти, бу катталарингнинг парвойи палак, винзовутни ишлатишмаяпти, шунча ҳосил тақдири энди нима бўлади, тўғри гапни айтсам балога қоламан, нима қиламиз, қайга обборамиз узумларни?..».

Ёнига бориб гапини бўлишга иймандик. Охири кимдир «меҳмон сизни сўраб кепти» деганди, шошиб қолди. «Сўрига ўтқазмайсанларми қараб ўтирибсиларa, қани, укажон, келинг» дея қучоқ очиб кўришган одамнинг юзларига бир зумда нур инди. Сўнг сўрига суяниб ўз ҳикояларини бошлади.

⟡⟡⟡

«Бир кепсилар энди, ўз бошимиздан ўтган ва бугун Чотқолни шамоли қишин-ёзин эсиб турадиган далам ҳақида шундай ғаройиб воқеалар борки, айтиб берсам, ишонмайсиз. Аввало отимнинг тарихиям қизиқ, билсангиз ука. Асли исмим Муҳсинали бўлган экан. 12 ёшимда кураш тушиб, уч-тўрттасини йиқитганимдан кейин шу куни ҳамманинг олдида отам раҳматлик «ўғлим, бугундан бошлаб исминг Дагарали бўлди энди, оқ йўл» деб фотиҳа берган...»

Отахоннинг гапини бўламан: «Ишқилиб бу исмни оқладингизми, бизнинг жануб тарафлардаям Дагарали кўп, Қўчқорлар кўп, айримлари полвон бўлиб танилган ҳам» десам Дагарали ака кулимсираб «ҳа энди, ёшликда давраларда курашардим, мана энди сал кам эллик йилдан бери далада курашяпман» деб жавоб берди.

**ЎЗИНИНГ ҲИКОЯСИ:**

— 1973 йилгача тракторчилик, кейин шопирлик қилдим. Сўнг нимадир бўлдию, ҳов кўриниб турган чўққи бор-ку, шунинг остига бориб ўзимча ўйладим, шу қуриб ётган ерларга сув чиқарсак бўлмасмикан? Чўққининг нариги бетида қор сувлари бор эдида. Бу ҳақда жўраларимга, ҳамқишлоқларимгаям гап солдим. Ҳаммаси устимдан кулди: «Дагарбой, жинни бўпсан ошна, сув қаёқдаю, сенинг даланг қаёқда? Сендан каллалилар ҳам юрибдику, нега шуларни хаёлига келмади бу?..» деб масхара қилишди.

Барибир тинчимадим. Отамдан сўрадим. Жуда қайсар, унча-мунчага тан бермайдиган одам «шунга кўзинг етаяптими, эртага шарманда бўлмайсанми, ёнингда ким бор ўзи?» деб умид билан сўради.

Бу гаплар 1974-75 йилларнинг воқеалари. Ўшанда Турдиали Далабоев деган одам бригадир эди. Ўтиб кетди раҳматлик. Унга маслаҳат солдим. Кулди. Мен эса қараб турмадимда, ерни ковлай бошладим. Ёнимга уч-тўрт киши келиб қўшилди. Иккинчи куни икки киши, учинчи куни... ўзим қолдим. Яна Турдиали ака келиб «қўй шу ерни, ковлама, овора бўласан, сен учун мен гап эшитяпман» деб қўймади. Кўп ўтмай бригадир бўшаб кетди. 1976 йили баҳорда яна иш бошладим. Янги бригад ҳам кўнмади. Сал овора бўп турсин, деб пилла қурти беришди. Бир куни ариқ ковлаётсам, раис келиб «эй, эсини еган Дагарбой, сен қурт боқасанми ё ариқ қазийсанми?» деди. Мен гап қайтардим. Жаҳли чиқиб кетиб «керак бўлса тутларни тагидан кесибди, деб устингдан иш қўзғатаман, билдингми, жимгина юр, ариқ ковлаганингни иккинчи кўрмайин» деб пўписа қилди.



Орадан кўп вақт ўтмади. Қишлоқда гап-сўз кўпайди. «Соатали аканинг ўғли ақлини еб қўйибди, чўққидан сув обкелармиш, ота-бувангнинг тушигаям кирмаган ишга нима қиласан бурнингни тиқиб» дея ниҳоят турли баҳоналар излашиб туҳмат уюштиришди. Қўлим тегмаган одам «мени ҳақорат қилди, дўппослади» деб мелисага ёзиб берибди. Тўғри даладан олиб кетишди. Уйдагилар ҳам билмай қолди. Суд бўладиган куни отам борди. Ҳалиги туҳмат уюштирганлар ҳам роса устимдан мағзава ағдаришди. Айримлар кечирим сўрашимни талаб қилишди. Отам раҳматлик бир гапли эди. Ўрнидан туриб мендан сўради «Дагарали, тўғрисини айт, айбинг борми-йўқми?» Мен бош силкидим. «Унда ўғлим, кечирим сўраб ўтирма, арзимайди» деди қатъий. Шу-шу арзимаган баҳона билан қамалиб кетдим...

Қамоқда юрган пайтимда онам қазо қилибди, шунақа эзилдимки, асти қўяверинг, ана ўшанда қасд қилдим «агар ўлмасам барибир сув чиқараман». Қишлоққа қайтиб келдим. Фалокатни қарангки, қишлоққа кираётсам, рўпарамдан яна ўша аблаҳ, менга туҳмат қилган одам чиқиб турибди, денг. Мени кўра солиб бақириб, додлаб ўзини сувга отса бўладими. Мен индамай ҳовлимизга кириб кетдим. Бир кун ўтмай яна мелиса йўқлаб келди. «Уриб, қўрқитиб, ўлдираман, деб сувга отиб юборибсан...» Яна туҳмат, яна...

Орадан олти ой ўтди. Оқланиб қайтдим. 1977 йилнинг 18 марти эди ўша куни. Раис мени ҳузурига чақириб, уюштирилган туҳматларни тан олиб, кечирим сўради. Хайрлашаётганида «илтимос, энди сув, ариқ ҳақида гап очма» деди. Мен эса қўлларимни мушт қилиб «йўқ, мен қасам ичганман, насиб этса қақшаб ётган далаларни гуллатаман, кўрасизлар» деб чиқиб кетдим. Барибир ўша йили йўл беришмади. Менга пахта эктиришди. Худо берaман деса ҳеч гапмас экан. Ҳосил шунақа мўл бўлдики, барибир хаёлим яна чўққиларда эди.

1978 йили яна елкамга кетмонбелкурак олиб далага кетдим. Биринчи куниёқ тош чиқса бўладими. Яна раис келиб қолди. Жавраб кетди: «Нимага одамларни овора қиласан, шунчаси каммиди сенга?» Тутақиб кетдим. «Барака топгур, мени йилим йўлбарс, сўзимдан ҳеч қачон қайтмайман» деган жавобимни эшитиб «энди аралашсам номард бўлай» деб жўнаб қолди.

Кечқурун уйга келиб отамдан дуо олдим. Кузда ўн бир киши иш бошладик. Яна аввалгидек шерикларим чидолмади. Мамадали акагина ёнимда қолди. Уч кундан кейин Туроббой ака дегани қайтиб келди. Етти кунда саккиз метр жойни ковлаб қўйдик. Ишимиз анча юришганини кўриб яна саккиз шеригимиз қайтди. 31 кун деганда ариқни қазиб бўлдик. Қамчини сопидай келадиган ердан сув жилдираб ўтди...

Ҳамма шерикларим сувни кўриб... мени қучоқлаб йиғлашди.

4-бет

Ислоҳот одимлари

# «ЎзИ – ҚАРШИ» – СИФАТЛИ АЛОҚА МАЖМУИ

Узоқ йиллар телефон хизматининг яхши эмаслиги юзасидан Қарши шаҳри аҳолисининг ариза ва шикоятлари назорат ташкилотларини ташвишга солиб келарди. Аҳолининг ҳақли талабини қондириш эса ҳамон эскилигича қолар, алоқа раҳбарияти ҳар гал ўз заифликларидан хижолат тортишарди... Мамлакатимизда алоқа ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш Миллий дастури ишлаб чиқилиб, у амалда қўлланилганидан кейингина аҳвол сезиларли ўзгара бошлади.

Дарвоқе, республика Вазирлар Маҳкамасининг **«Алоқа соҳасини 1995-2010 йилларда янгилаш ва ривожлантиришнинг Миллий дастури тўғрисида»**ги (1994 йил) қарори тизимда туб бурилиш ясади. Зеро, бу «оғриқ» нуқта биргина қашқадарёликларники эмасди-да.

Дастлаб, Индонезиянинг «Бакри» компанияси сармояси шарофати билан 30-40 йил аввал ўрнатилган эски жиҳозлар «Алкател» (Германия) компаниясининг замонавий янги телефон станцияларига алмаштирилди. Шундан сўнг, бирлашган шаҳар телефон станциялари энди **«ЎзИ-Қарши»** деб аталадиган бўлди ва у «Ўзбектелеком интернешнл» ўзбек-индонезия қўшма корхонаси филиали бўлиб қолди.

— Яхши ниятга яраша ишимиз самара бера бошлади, — дейди **филиал директори Жуманазар Бозоров.** — Миллий дастур ижроси йўлида маҳаллий алоқачи мутахассислардан иборат гуруҳ туздик. Улар «Алкател» фирмасидан олиб келинган 12700 рақамли АТСни дарҳол монтаж қилиб, ишга тушириш саъй-ҳаракатида бўлдилар. Қаршида 17,5 километр оптик толали кабеллар ётқизилиб, рақамли узатиш тизимларига уланди. Тўққиз станциянинг олтитаси тўла янгиланди.

Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сифатининг яхшиланишида янги, замонавий технологиялари билан дунёга танилган «Хуайвей» (Хитой) фирмаси телефон станциясининг ишга туширилиши ҳам айни дилдаги иш бўлди: Чунки, энди шаҳар коди терилиб чақириладиган абонентни рақами терилган заҳоти сигнал келадиган бўлди. Илгари 20 минг нуқталик ускунага эга бўлиб ҳам телефон станцияси уларнинг ярмини аранг таъминлаб берарди. Шунингдек, аҳоли ҳам ўзига телефон ўтказилишини йиллаб кутарди. Янги тизимга ўтганимиздан сўнг, фақат ўтган йилнинг ўзидаёқ 2312 та янги абонент телефонлари ишлай бошлади. Шаҳарнинг бешта чекка маҳалласига янги оптик толали кабел ўтказилди. Айни пайтда шаҳардаги барча маҳаллалар мустаҳкам телефон алоқаси билан таъминланди...

Ҳозир «ЎзИ-Қарши» — воҳада кўзга кўринган корхоналардан бирига айланди. Бундан 10 йил олдин Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи хонадонларнинг 5 фоизигина телефондан фойдаланган бўлсалар, бугунги кунда ҳар уч оиланинг бирида телефон аппаратлари ишлаб турибди.

Аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасини шаҳарлараро сўзлашув пунктларидаги шарт-шароитларнинг тобора замонавийлашиб бораётганидан ҳам билса бўлади. Ўн йил олдин бор-йўғи иккита сўзлашув пункти бор эди. Ҳозир уларнинг сони 14 тага етди. Марказий сўзлашув пункти қайта таъмирдан сўнг халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган бўлди. Мижозлар хоҳишига қараб, ўзлари учун қулай вақтни танлашади, навбат кутиш йўқ. Улар хизматига интернет-кафе, махсус жиҳозланган кабиналар, магнитафонлар, пластик карточкалар шай.

— Халққа кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш — асосий бурчимиз, — дейди **интернет-кафе менеджери Зафар Эрназаров**. — Ривожланган мамлакатлар технологияларини олиб келиш ва ўрнатиш ўз-ўзидан бўлмади. Ходимларимиз Тошкентда махсус курсларда ўқиб, тажриба ўтаб қайтишди. Белгиланган режалар ошириб уддаланяпти. Муҳими, мижозлар хизматимиз ва шароитимиздан хурсанд...

Бозор шароитида алоқа хизмати кўрсатишнинг турли хил усулларини амалда қўллаб, улардан кўпроқ фойда олиш ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши. Шу нуқтаи-назардан бу ерда электрон почта ва факс хизматлари бозори ҳам чаққон. Бу — биринчидан, одамлар учун қулай бўлса, иккинчидан, филиал иқтисодини оширяпти. Натижада, алоқачилар чораклик, ярим йиллик, йил якунларида мўмайгина мукофотлар олишяпти. «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан боқувчисини йўқотган ҳамшаҳарлари ҳолидан хабар олиш, ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш каби олижаноб ишлар ҳам назардан четда қолмаётир.

Алоқачиларнинг фарзандларига хизмат қилувчи «Алоқачи» болалар оромгоҳида шу йил ёзда уч сменали дам олиш таътиллари ташкил этилди. Унда 380 нафар ўғил-қиз худди шу сўлим маскан — пурвиқор тоғлар бағрида мириқишди.

— Бугунги кунда шаҳримизда улкан бунёдкорлик ишлари олиб боряпти, — суҳбатимизга якун ясади Ж.Бозоров. — Биз ҳам бу ишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшиш пайидамиз. Бинолар атрофларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Келгуси йили Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланадиган санага катта тайёргарлик билан борамиз.

**Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири,**
**Баҳром МУРОД**
**журналист.**

# СИНАЙ ЯРИМ ОРОЛИДАГИ ПОРТЛАШЛАР




Жума оқшомида Синай ярим оролидаги Миср курортларида учта портлаш рўй берди.

Мисрнинг Таба шаҳридаги «Хилтон» меҳмонхонасида миналаштирилган автомобилнинг портлаши натижасида сўнгги маълумотларга кўра, камида 30 киши ҳалок бўлган, 144 киши эса яраланган. Жабрланганларнинг кўпчилигини шу ерда дам олаётган Исроил фуқаролари ташкил этади. Портлаш ва чиққан ёнғин натижасида меҳмонхонанинг 10 қаватли ғарбий қаноти қулаб тушган.

Табадаги террорчилик хуружидан сўнг орадан 1 соат ўтгач, Мисрнинг яна икки курортида портлашлар рўй берганди. Нувейбадаги портлаш чоғида ўша ерда бўлган 43 кишидан 40 нафари хорижликдир. Дастлабки маълумотлар бўйича бир неча киши ҳалок бўлган. Рас ал-Сатандаги портлаш натижасида 2 исроиллик ҳаётдан кўз юмган, ярадорлар тўғрисида ҳозирча хабар йўқ.

Ярадорлар Исроилнинг Эйлат шаҳри касалхонасига келтирилмоқда. Табада портлаш рўй берган жойда Исроил мутахассислари ва шифокорлари ишламоқдалар.

ЦАХАЛ расмий вакили Рут Яарон маълум қилишича, Исроил армияси Синай ярим оролидаги портлашлар оқибатларини тугатиш бўйича амалиётларга раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олган. Унинг сўзларига кўра, ЦАХАЛнинг бригада генерали Эфи Айдан Табадаги портлашдан сўнг 4 соат ўтгач қутқарув амалиётига раҳбарликни ўз зиммасига олган.





Ярадорларни Мисрдан олиб келиш, Эйлатда хавфсизликни таъминлаш ва Синай курортларидан Исроил фуқароларини кўчириш билан боғлиқ барча ҳаракатлар ҳарбий бўлинмалар назорати остида амалга оширилади, деди Яарон.

Исроил Ташқи ишлар вазирлиги Синай ярим оролида бўлган барча фуқароларини ватанига қайтишларига чақирган. Ташқи сиёсат маҳкамасининг маълумотларига кўра Миср курортларида 12 мингдан 15 минггача исроиллик бор.

Исроил ва Миср маъмурлари икки мамлакат ўртасидаги чегара исроилликларнинг бирон тўсиқсиз ватанига қайтишлари учун очиқ туришига келишиб олдилар.

Миср курортларидаги портлашлар учун жавобгарликни илгари номаълум бўлган «Жамаа ал-Исломия ал-Аламия» гуруҳи олган. Жумага ўтар кечаси Қуддусдаги агентликнинг мухбирлар бўлимига қўнғироқ қилган номаълум киши ўзини ана шу террорчилик гуруҳининг вакили деб таништирган. Унинг айтишича, портлашлар «Фаластин ва Ироқда ҳалок бўлган фаластинликлар ҳамда араб жафокашлари учун интиқом» бўлган. «Жамаа-ал-Исломия ал-Аламия», деди у, мусулмонлар учун муқаддас бўлган Рамазон ойида қатор террорчилик ҳуружларини амалга оширади. Илгари ушбу портлашлар учун жавобгарликни Фаластиннинг ХАМАС ташкилоти ўз зиммасига олганлиги ҳақида хабар қилинганди. Бироқ ХАМАС раҳбарияти ҳозирча бу маълумотларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи расмий баёнотни бергани йўқ.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Мисрдаги портлашлар ХАМАСнинг одатдаги тактикасидан фарқ қилади. Бу ташкилот, уларнинг айтишича, биринчидан, Исроил ва Фаластин мухторияти ташқарисида ҳеч қачон илгари террорчилик ҳуружларини амалга оширмаган, иккинчидан, бир вақтнинг ўзида бир неча террорчилик хуружларини ўтказмаган, деб ёзади Jerusalem Post газетаси.

## XORIJDA

### ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

ABC News хабар беришича, АҚШнинг Ироқдаги қўмондонлигидан олинган огоҳлантиришлардан сўнг Америка мактабларида, айниқса, Флорида, Орегон, Жоржия штатлари мактабларида хавфсизлик хизматининг назорати кучайган. Ҳарбийлар коалицияга қарши фаолиятда қатнашаётган ва Интернет орқали олтита штатнинг қатор бошланғич ва ўрта мактаблари лойиҳа чизмаларини олаётган бир ироқликнинг изига тушган. Номи айтилмаган бу ироқлик тўғрисидаги маълумот махсус хизмат қўлига шу йил июлда келиб тушганди. Бесландаги фожиадан сўнг ушбу маълумотга жиддий эътибор қаратилди. Шу боис мактаблар раҳбариятларига хавфсизлик чораларини ошириш топширилди.

### МАМЛАКАТ ТАРИХИДА ИЛК БОР



Афғонистонда бугун мамлакат тарихида илк бор президент сайлови бўлиб ўтади. Мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилганига қарамай Афғонистон пойтахтида кучли портлаш рўй берган. «Толибон» ҳаракати ва «Ал-Қоида» ташкилоти тарафдорлари сайловларни барбод этиш мақсадида фаоллашган. Чунончи, мамлакат шимолидаги Файзиобод шаҳрида жангарилар мамлакат вице-президентлиги учун номзод Аҳмад Зиё Маъсуд кетаётган автомобилга ҳужум уюштирди. Афғонистон ҳукумати террорчиларнинг ҳар қандай ҳуружларига қарамай сайловлар бўлиб ўтишини билдирди.

Гиёҳвандлик — кулфат

# ҚОРА ИШЛАР ЖАЗОСИ

Бу заҳриқотил пайдо бўлганидан буён инсоният бошига қанча кулфат солгани, қанча одамнинг ҳаётига завол бўлганини ҳеч ким аниқ ҳисоб-китоб қилолмаса керак. Чунки, гиёҳвандликнинг зиён-заҳмати, кулфати кўлами шунчалик кенг ва беҳисобки, шунинг учун ҳам бугун унга қарши курашиш осон бўлмаяпти. Энг ташвишлиси уни етиштираётган, савдо-сотиғи билан шуғулланаётганларни тўхтатиш қийин кечмоқда. Бу йўл билан пул топиш гуноҳи азим экани, бу йўлнинг охири фожиа эканини кўриб-билиб турса-да, нафс балоси қули бўлиб қолаётганлар ҳамон кўплаб учрамоқда.

— Героин бор, — деди бир куни Гўзал таниши Шерзодни учратиб. Шундан сўнг унга «синаб» кўришга бир чимдим «илинади». Аввалдан героиннинг «таъмини» яхши билган Шерзод ҳамтовоқликка рози бўлади.

Шерзод тез орада яна бир банги ошнаси Илҳомни ҳам бу «савдо»га жалб қилди.

Февралнинг охирги куни кеч соат 21.00 ларда «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси 1-даҳаси 8-уй олдида кетаётган Илҳом Мақсудовнинг юриши милиция ходимларида шубҳа уйғотди. У холислар иштирокида текширилганида шими чўнтагидан ялтироқ қоғозга ўралган гиёҳванд модда чиқди. У героинни дўсти Шерзод Иминжоновдан олганини айтди... Шу тариқа кичик жиноий тўда «фаолиятига» нуқта қўйилди.

Суднинг «қора курси»сида ўтирган Гўзал Асқаралиева ва унинг шериклари Шерзод Иминжонов, Илҳом Мақсудов Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида яшашади. Тоғни урса талқон қиладиган, энди 25 ёшга тўлаётган бу йигитлар бир касбнинг этагини тутмай, қинғир йўлдан боришди. Оқибатда ёш умрларини хазон қилиб, озодликдан маҳрум бўлишди.

Чинозлик элликни қоралаб қолган Абдужалил Пирназаровнинг қилмиши «ақл ёшда эмас...» деган нақлни ёдга солади. У тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Феруз исмли шахс билан танишади. Феруз унга ўзи билан олиб келган тахминан 2,5 килограмм героин гиёҳвандлик воситасини уйда сақлаб туришини, унинг номидан келган шахсга эса «товар»ни топширишни, хизмати эвазига 2000 АҚШ доллар олишини айтади. А.Пирназаров бу таклифга рози бўлади. Полиэтилен пакетдаги героин гиёҳвандлик воситасини молхонаси ичкарисидаги ерни ковлаб, кўмиб яшириб қўяди.

Орадан ойлар ўтди. Ниҳоят, Пирназаров орзиқиб кутган дам келади. 2003 йилнинг 8 ноябрда Феруз унинг уйига терговда шахси аниқлаб бўлмаган бир йигитни юборади. Йигит 10 ноябрь соат 16.00ларда Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман ҳудудида жойлашган «Чорсу» меҳмонхонаси ёнига «молни» олиб бориб туришини ва Феруснинг номини тилга олган шахсга ушбу героинни топшириши лозимлигини айтади.

А.Пирназаров айтилган вақт ва айтилган жойда ушбу зормандани олиб кетадиган шахсни кута бошлайди. Бироз вақт ўтгандан сўнг милиция ходимлари томонидан гумонланиб, таянч пунктига олиб келинади. Холислар иштирокида тинтувда А.Пирназаров қўлида бўлган полиэтилен пакетнинг ичидан уч бўлакка тақсимлаб қўйилган, оқ рангли, кукунсимон модда топилиб, баённома тузилади. Натижада А.Пирназаров ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий режасини охирига етказа олмайди. Суд кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра ундан олинган модда героин гиёҳвандлик воситаси бўлиб, унинг қуритилган ҳолатдаги оғирлиги 2359,6 граммга тенглиги аниқланади.

Хуллас, қарамоғида вояга етмаган тўрт нафар фарзанди бор А.Пирназаров жирканч жиноятга қўл уради. Агар у ушбу жиноятни хамирдан қил суғургандек амалга оширса бормиди, қанчалаб кишиларнинг ҳаётини хавф-хатарга қўйган, заҳарлаган бўлар эди... Одамларга кулфат, ўлим тарқатиш орқали мўмай пул топишга қўл урган бу ношуд энди қилмишига яраша жазони ўтайдиган бўлди.

Дунё аҳолиси ўртасида гиёҳвандлик билан боғлиқ ишлар ўтган 12 ой ичида 3 фоизга ошганлиги кишини ташвишлантиради. Бу эса кейинги йилларда 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган ҳар 30 кишидан бири гиёҳванд моддалар истеъмол қилаётганлигини билдиради.

Албатта, бундай мисоллар ҳар бир соғлом фикрли инсонни ҳушёрликка ва гиёҳвандликка қарши кескин курашишга даъват этади. Ҳар бир оила, қўни-қўшни, маҳалла, мактаб, тиббиёт муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда ҳаракат қилсагина бу курашда самара бўлади.

**Мурат ИРМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори.**
**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**журналист**

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2004 йил 11,18 ноябрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржаси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади.**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент шаҳри, Нилуфар кўчаси, 30-уй манзилида жойлашган «Тошкент темирбетон тузилмалари полигони» давлат корхонаси

**Бошланғич баҳоси — 2 051 530,74 минг сўм.**

2. Жиззах шаҳри, Навоий кўчаси, 326-манзилда жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси, 1-АЁҚШ (тўлов миллий валюта — сўмда АҚШ долларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунида белгиланган курси бўйича).

**Бошланғич баҳоси — 45 395 АҚШ доллари.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уйжойжамғарма банки Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Чет эл валютасида сотувга чиқарилган объект бўйича закалат пули «Kimoshdi savdolari» агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Ўзуйжойжамғарма банки Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840204265383001, КОД-00901, СТИР 204563716, SWIFT: UZHOUZ 22 ўтказилади.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 2-хона.*

*Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 136-26-26.*

**Лицензия рақами: 000004**

# МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТ МАДҲИ

## «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ ОРҚАЛИ НАМОЙИШ ЭТИЛГАН ТУРКУМ КЎРСАТУВЛАР ҲАҚИДА

Мамлакат мустақиллигининг ҳар бир куни, ўтаётган йиллари тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйиладиган тенгсиз имкониятларни очиб берди. Истиқлолнинг ўн уч йили миллат қалбида асрлар давомида чўғ каби ёнган озодлик туйғусини оловлантирди. Замондошларимиз ўз қўллари билан истиқлол иморатига ғишт қўйдилар.' Бутун мамлакат улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Янги замон илм масканлари бўлган университет, институт, лицей ва коллежлар, иқтисодиётимиз қўш қаноти ҳисобланган қўшма корхоналар, қурилган янги кўприк ва темир йўллар, чирой очган ошиёнлар, мўъжизалар яратаётган ўзбек деҳқони, дунёни ҳайратлантираётган шаҳарлар, миллий меъморчилигимиз билан замонавийлик уйғунлашиб кетган бинолар, истиқлол туфайли ўзининг иккинчи умрини яшаётган обидалар, обод этилган буюк боболар қадамжолари... булар барчаси мустақиллик туфайли қўлга киритилган улкан ютуқларимиздир.

Бугунги давр оммавий ахборот воситалари олдига янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Юқоридаги тарихий ўзгаришларни таҳлил этиб тушунтириш, намойиш этиш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, эришаётган ютуқларимиздан фахрланиш, ғурурланиш туйғуларини уйғотиш, замонамиз қаҳрамонларини кенг оммага батафсил таништириш бугуннинг талабига айланмоқда. Шуни ҳисобга олган «Ўзбекистон» телеканали жамоаси мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда пойтахтимизда 13 йил ичида қилинган ишлар, яратилган истиқлол имкониятлари ҳақида «Ўзбекистон — Ватаним маним» номли туркум кўрсатувлар тайёрлаб, намойиш этди. Уларнинг биринчиси Андижон вилоятига бағишланган.

Асакада Президантимиз ташаббуси билан қад ростлаган автомобиль заводи ўтган саккиз йилдан бери «Дамас», «Тико», «Нексия», «Матиз» ҳамда «Ласетти» каби ўзбек автомобилларини ишлаб чиқармоқда. Истиқлолгача республикамизда оддий велосипед ҳам чиқарилмас эди. Ушбу корхонада тайёрланаётган машиналарга ҳатто хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда. Андижоннинг бугуни, ёруғ келажаги ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар, замондошларимизнинг фикр-мулоҳазалари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Навоий вилоятининг ўзига хос томонларига алоҳида урғу берилган иккинчи кўрсатувда Навоий давлат кончилик институтининг ташкил этилиши, бу ерда тайёрланаётган мутахассислар ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, Навоий тоғ- металлургия комбинатининг мамлакат иқтисодиётидаги муҳим ўрнига алоҳида эътибор қаратилади.

Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар сарҳисоби билан бошланадиган навбатдаги кўрсатувда «Лочин» фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этди. Шунингдек, энергетика таъминоти соҳасида қилинаётган ишлар, фойдаланишга топширилган Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг иқтисодиётимиздаги ўрни атрофлича таҳлил этилган.

Мустақиллик туфайли қайта сайқал топган Бухоро обидалари, муқаддас мақбаралар, гулу чаманзорга айланган шаҳар ҳақида ҳикоя қилувчи тўртинчи кўрсатувда тикланаётган қадриятларимиз томошабин кўз ўнгида намоён бўлади.

Қашқадарё вилоятининг қудрати ҳисобланмиш Муборак нефть-газ, Шўртангаз, Шўртангазкимё мажмуи ҳақида ҳикоя қилинган кўрсатув ҳам Ватан қудрати тимсоллари ҳақида сўзловчи фильм сифатида томошабинлар ёдида қолди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бошқа сарҳадларини ҳам қамраб олган ушбу туркум кўрсатувлар ўзининг таъсирчанлиги, теран мушоҳадаларга бойлиги билан юртдошларимизга манзур бўлди, дейишимиз мумкин.

Албатта, кичик бир мақолада ушбу кўрсатувларнинг барчасига баҳо бериш имкони йўқ. Саноб ўтилганлардан ташқари, томошабинларнинг алоҳида олқишига сазовор бўлган Тошкент шаҳри ҳамда Хоразм вилоятига бағишланган кўрсатувлар тийран мулоҳазаларга бойлиги, қўйилган мақсадга тўлиқ эришилгани ҳамда тележурналистларнинг машаққат ва маҳоратлари уйғунлашиб кетгани билан алоҳида таҳсинга сазовордир. Шу боис уларни бир гулдастага ўхшатгимиз келди. Чунки унда турли соҳалар, оддий одамлар, фақатгина маълум бир ҳудудга тегишли одату қадриятлар, ҳаётимизнинг нозик қирралари ҳақида маҳорат билан сўз юритилади. Яна бир жиҳати, ушбу кўрсатувлар орқали маънавият, маърифат, спорт ҳамда иқтисодиётга оид барча ютуқларни қамраб олишга ҳаракат қилинган.

*Муносабат*

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли. Бу руҳдаги кўрсатувлар фақат мустақиллик байрами арафасида эмас, балки мунтазам бериб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўшанда аудиторияси кенглиги жиҳатидан биринчи ўринда турадиган телевидение, айниқса, «Ўзбекистон» телеканали ва унинг тиниб-тинчимас ижодкорлари савобли бир ишга қўл урган бўлардилар. Ушбу изланишлар анъанага айланиб қоларди.

Бир сўз билан айтган-да, мамлакат мустақиллигини ўзларининг фидокорона меҳнати билан мустаҳкамлаётган замондошларимиз изланишлари ифода этилган ушбу телеасарлар маънавий оламимизда муҳим воқеа бўлди.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

# ЯНА БИРИНЧИ

Жорий йилда Ливия пойтахти Триполида шоҳмот бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида дунё шахмат тожини қўлга киритган халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов нуфузли мусобақалардаги ғалабаларини давом эттирмоқда.

Яқинда ҳамюртимиз Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида ташкил этилган «Пуна Интернэйшнл» халқаро супертурнирда биринчи ўринни эгаллаган эди.

Куни кеча ҳамюртимиз дунёнинг юз нафардан зиёд энг кучли шахматчилари қатори Голландиянинг Хеллевойстлус шаҳрида рапид - тезкор шоҳмот бўйича ўтказилган «НК-Рапид» халқаро турнирида иштирок этди.

Ушбу мусобақани кузатган мухлису мутахассисларда ўзбек гроссмейстерининг ўйинлари катта қизиқиш уйғотди. Чунки Рустам Қосимжонов рапид бўйича жаҳондаги энг кучли шоҳмотчилардан. Жаҳон шахмат тожига эга бўлишида ҳам Рустамга тезкор шоҳмот бўйича билими, иқтидори қўл келган эди.

Буюк ўзбек спортчиси рапид бўйича тенгсиз эканини Голландияда ҳам исботлади. У тўққиз учрашувдан олтитасида рақиблари устидан зафар қучди, уч баҳсни дуранг билан якунлади. Бирор партияда ҳам рақибига имкониятни бой бермаган шоҳмотчимиз 7,5 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади.

Ҳозир Р.Қосимжонов 14 октябрь куни Испанияда бошланадиган жаҳон шоҳмот олимпиадасига ҳозирлик кўрмоқда. Мазкур нуфузли турнирда гроссмейстеримиз Ўзбекистон терма жамоасига сардорлик қилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Интер-спорт*

# РУСТАМ СОФИЯДА ДОНА СУРАДИ



Болгариянинг «Гонг» спорт радиостанцияси тарқатган хабарга қараганда, Софияда 3-4 декабрь кунлари шу йил жаҳон чемпионлари бўлган аёл ва эркак шоҳмотчилар ўртасида биринчи марта учрашув ўтказиш мўлжалланмоқда. Болгариялик шоҳмотчи Антуанетта Стефанова шу йил ёзда Элисте шаҳрида ФИДЕ жаҳон чемпионлигини қўлга киритган эди. Триполида ўтказилган баҳсда омади чопган юртдошимиз Рустам Қосимжоновнинг ана шундай турнирда ғалаба қозонгани ҳаммага аён. Шундай қилиб, ҳар иккала шоҳмотчи ўзаро дона сурадиган бўлиб турибди. Ҳозирча баҳснинг молиявий тарафлари ҳақида гап йўқ.

Айни кунларда эса венгер Петер Леко билан Владимир Крамник ўртасида жаҳон чемпионлиги учун кураш давом этмоқда. Саккизинчи партияда венгер шоҳмотчиси моҳирона дона суриб, ютуққа эришди. Қора доналар билан ўйнаган Леко Крамникни ортда қолдириб, умумий ҳисобни 4,5:3,5 га етказди. Энди Петернинг чемпион бўлиши учун ана шу мавқени баҳс охиригача сақлашига тўғри келади. Крамник эса қолган партияларда бор-йўғи дурангга эришса, чемпионликни сақлаб қолади.

# ЯҚИН ШАРҚДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Кейинги 3-4 йил ичида Яқин Шарқда барқарорлик юзага келса, Иордания ва Ироқ футбол федерациялари 2014 йили жаҳон футбол чемпионатини ўтказиш учун қўшма ариза беришлари мумкин экан. Бу ҳақда Британиянинг «The Guardian» газетаси хабар беради. Жаҳон футбол чемпионатлари тарихида эса шу чоққача Яқин Шарқда бундай нуфузли спорт анжуманлари ўтказилмаган. Зеро, Ироқ терма жамоасининг Афинада ўтказилган Олимпия ўйинларида ўзини кўрсатиб, ярим финалга чиқиши бу томонларда ҳам йирик спорт тадбирларини ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги фикрни юзага келтирди. Нима бўлганда ҳам, Яқин Шарқда жаҳон футболи чемпионатини ўтказишга умид бор. Эслатиб ўтамиз: 2006 йилги чемпионат Германияда ўтказилса, 2010 йилгиси ЖАРда бўлади.

# ДАГАРАЛИ

## АКАНИНГ ДАНГАЛ ГАПЛАРИ ВА ИШЛАРИ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Бу хабарни эшитган раис Ғанихон Эргашев ҳам югуриб келди. Вилоятнинг сувга масъул бўлган катталариям бу мўъжизани кўриб, кўзларига ишонишмади. Раҳматлик Бургутали ака олдимга келиб «сизмидингиз сув чиқараман деб қамалиб кетган одам, мана энди ўша туҳматчилар келиб кўришсин-чи» дея пешонамдан ўпиб, ҳамманинг олдида мукофотга мошина бериладн, деб табриклади. Раис ҳам мулзам бўлиб ўн бировимизга ўн битта сигир мукофот берди...

Ана шундан кейингина катта ишлар бошланиб кетди. Керакли техникалар ёрдамида ариқни кенгроқ олиб кўпроқ сув чиқаришга эришдик. Отам бўлса худди ўша 1979 йили биринчи сув чиққанини эшитиб, «болам, энди сенга ишондим, ортимдан яхши из қолаётганимга амин бўлдим. Фақат ана шу сувдан менга бир косагина олиб келсанг бўлди, розиман» дея тайинлади. Орадан кўп вақт ўтмай қазо қилдилар.

Ўн саккиз йил раислик қилган Ғанихон ҳам ўлимидан аввал мен билан йиғлаб-йиғлаб ризолашиб, оқ йўл тилади... 1980 йили қазиган ариғимиз тўлиб сув келди ва бир йилдан кейин мана шу, сиз кўриб турган ерларни очиб, ўзлаштириб ток экдик. Ўшанда 24 гектар бўлган ер бугунга келиб 160 гектарга етди...

✧✧✧

Дагарали ака бу маҳзун ҳикояни қандай айтиб берган бўлса шундайлигича қоғозга туширдим. Ҳатто пиёласидаги чойи совиб қолсаям бир ҳўпламасдан шу воқеани тўхтамай сўзлаб берди. Сўнг узумзорларни, олмазору ўриксорларни кўрсатиб чиқди. Худди ўз уйидаги бойликларини кўз-кўз қилаётган соҳибдай мақтанаётган Дагарали акадан «бу ерлар ўзи кимга қарайди, ё фермер хўжалигингизникими?» деб сўрадим. У киши бўлса «йўқ, Чуст туманидаги «Ғовасой» ширкат хўжалигига тегишли, 87 гектари хўжаликники, 60 гектари фермерларники. Ўзим бригадирман. 57 киши ишлаймиз. Ҳаммасининг тирикчилиги, рўзғори шу даладан кечади» дея изоҳ берди.

Мен Дагарали аканинг даласига борганимда августнинг охирлари эди. Узумлар ғарқ пишган, ҳосилни териб қаёққа топширишни билмай ўтирган деҳқоннинг бир куниям ғанимат дамлар. Терилган узумларни кўриб «нима, қишга ғамлаяпсизми, том устигача қуритиб ётибсиз?» десам отахон ёзғириб кетди:

— Ўтган йили хўжалигимиз 450 тонна узум берган бўлса, мени бригадам 155 тонна топширди. Лоф эмас, ўн тўрт миленга яқин фойда кўрдик. Шунинг орқасидан одамлар тўй қилди, уй қурди, мошинли бўлди. Агар бу йил исроф бўлиб кетмаса, 400 тонна узум берамиз. Лекин кўряпсизми, ҳосил чириб кетаяпти, пишгандан кейин бу жонивор қараб турадими, ейиш керак ё винзовутга топшириш керак. Биламан, еб тугатолмаймиз, топширайин десам...

Нимасини айтасиз укажон, бу борада менинг минг битта дардим бор. Чидай олмай гапираман. Шунинг учун кўпларга ёмон кўринаман. Ахир бизлар уч фасл тер тўкиб, ишлаб шунча ҳосил етиштирсагу ўн беш-йигирма кун ичида бориям чириб, қуриб кетса, ким куяди? Ҳеч ақлим етмайди, нега энди яхшигина ишлаб турган цехлар айни пишиқчилик пайти бузилади, ишламайди?! Хўш, акаси, бунинг учун кимдир жавоб бериши керакми? Агар мен режамни бажаролмасам сўкишни билишади-ку бу занғарлар. Уларнинг ўзини энди ким сўкади? Ернинг тили бўлмаса...

Ҳар икки гапининг бирида сўкиниб, ҳақиқий ўзбекча ибораларни халқона ишлатаётган Дагарали аканинг ҳасратини ҳам тушунамиз. Тўғрида, шунча йил яшаб, устига устак бутун умрини шу далаларни боғ қиламан, обод қиламан деган инсоннинг ҳалол меҳнати қадрини билмаётган айрим тўраларнинг арзимас баҳонаю-рўкачларини қандай изоҳлаш мумкин? У ёғи ҳали алоҳида мавзу...

✧✧✧

Мен борган кунлари Афинада Олимпида ўйинлари ниҳоясига етаётганди. Гурунгимиз мавзуси Чустнинг адоғсиз далаларидан олис Афинага кўчади: «Аввалроқ Рустамжоннинг жаҳон чемпион бўлганини радиодан эшитдим. Ҳамма ўйинларини юрак ҳовучлаб кузатдим. Э, худойим, ўзинг қўллагин ўзбекни, деб туну кун дуо қилдим. Ўша кунлари қишлоқда бир тўй бўлаётганди. Айни шу дамда матч ўтаётувди. Симсиз гапирадиган телпон бор-ку, шуни бир боланинг қўлида кўриб, «шу телпонинг неча сўм ишласа болам юз баравар қилиб тўлайман, менга сўраб берсанг бир гапни» десам ҳалиги бола «пулингиз керакмас, ана менга деса Лондонга қўнғироқ қилмайсизми, аввал билайин, кимдан нимани сўрамоқчисиз ўзи?» деди. Мен Тошкентда яшайдиган, шоҳмот деса ўзини томдан ташлайдиган бир танишимнинг телефонини тердириб, бор-йўғи бир оғизгина «Нима бўлди, ошна, Рустамжон ютдими?» десам у ёқдан «йўқ, дуранг бўлди» деган овоз келди. Икки-уч кун ўтиб, бутун дунёга Рустам Қосимжоновнинг чемпион бўлгани ҳақидаги хабар тарқалди ва ўша куни менинг даламдаям катта байрам бўлиб кетди...»

Дагарали ака Рустам Қосимжонов ҳақида берилиб сўзлаяптию, менинг хаёлим яна Афинага кетади. Дзюдочиларимиз ва умидли боксчиларимизнинг тақдири не кечаркин, деб у ёқдан бирон мужда кутаман. У киши бўлса буни сезгандай «ноумид шайтон деган гап бор бизнинг ўзбекларда. Энг аввало омадгаям боғлиқ экан. Лекин кеча ҳамюртимиз Рустам Саидовнинг рингдаги учрашувини кузатдим. Ҳакам сал ён босди унинг рақибига. Аммо очиғи, уям бўшлик қилди, бизди боксчилар ҳеч қачон чўчиб, қўрқиб тушмайди ахир, тикка бориш керак, нима қиласан унга осилиб, деб сўкиб ўтирдим. Яна десангиз, сиз журналистсиз-ку, хафа бўлмайсизми бир гапни дангал айтсам, ўша куни, кимлигини билмайман, бирови телевизорда шарҳлаб ўтирди, тўғриси, гапига тушунмадим. Охири чидолмадим, овозини ўчириб, бокснинг ўзини томоша қилдим. Тағин хафа бўлманг, майли ёзаверинг. Нима бизда Котэ Махарадзе ё Николай Озеровга ўхшаган шарҳловчилар йўқми?»

Дагарали ака Афинада икки бор мамлакатимиз мадҳияси янграб, озод Ватанимиз байроғи кўтарилган куни менга кечқурун қўнғироқ қилиб, «кўрдингизми, Ўзбекистон номи жаранглаганида ҳамма оёққа қалқди. Ҳали ўнлаб Рустаму Муҳаммадқодирлар орамиздан чиқади. Фақат шу футболдан оқсаяпмиз-да. Миржалолни ёнига яна ўн нафар ўзбек қўшилсайдими, дўппимни осмонга отардим!» деди.

Дагарбой аканинг кўнглидаги армонли ҳаяжонлари сирини кейин тушундим. Ва барибир ҳайрон бўлдим. Бир қарашда фақат ўз даласидан нарини кўрмаган одамдай бўлиб туюладиган бу жайдари феъл инсонни ўйлантираётган муаммолар бугун ҳаммамизнинг дардимизга айланиб юраклардан юракларга кўчади.

✧✧✧

... Ҳамроҳим, Наманган томонлардан бирон хушхабар эшитса, ҳаммадан суюнчи оладиган режиссёр Расулжон Мамаризаев бўлса секин қўйнидан фотоаппаратини чиқариб Дагарали акага қўлини кўтариб «бир суратга олиб қўяйин сизни, қани» деганди, у кишиям қўлини ишора қилиб «менимас, ҳов ўчоқ бошидан тўрт чақирим наридаги сада соясигача эринмай атиргул экиб чиққан Ҳайрихон аянгизни расмга олинг», дея онахонни кўрсатади. Ҳайрихон хола бўлса «қўйсангиз-чи, кўрганлар кулишмасин, эр-хотин бунча мақтаниб қолишди қариганда деб, ундан кўра невараларни чақиринг» деб секингина узумзорга кириб кетди...

Дала ёнигача келиб қолган уйларни кўриб Дагарали акадан сўрайман: «Ғовасойда ер камми дейман. Янги ерлар очмаяпсизларми? Ё энди кучингиз қолмадими?» Отахон маъюс тортиб қолади ва «нима қиласиз ука, тилимни қичитиб, айтаверсам гап кўп. Сиз айтаётган уйлар ҳаммаси янги рўзғорлар. Йилдан йилга одам кўпайиб бораяпти. Энди бу ёғи узумзорларга қараб келаяпти. Нима қилиш керак? Яна ер очиш шарт! Манави ариқдаги сув 27 метр баландликдан тушаяпти, узунлиги уч чақирим. Тош териб чиққанмиз. Бўлмаса сув ювиб кетади. Буни аввало бетон қилиш керак. Кўриниб турибди-ку, ана шу томонга қараб яна уч чақирим ер очсак, ишонасизми, 400 гектар ер ўзлаштирилади. Булар менинг хомаки тахминларим. Лекин манаман деган ер тузувчиси бўладими, ўлчовчисими, хоҳласа аппаратида ўлчасин, шу айтганларим тўппа-тўғри чиқади. Неча марта айланиб кўрдим. Фақат ҳафсала керак холос. Одамларимизга ариқ қазиб, тағин сув ҳайдаб келамиз десам бирортаси энди йўқ демайди. Кўз тегмасин ёшим сал кам етмишда бўлсада, ҳали белимда куч-қувватим етарли. Бир йигитингиз билан ҳозирам бел олишаман...

Бир хил пайтлари мана шу сўрида ё-т-и-б ўйлайман-да. «Дагарбой, агар бир курашда ном қозонмаганингизда отингиз Муҳсинали бўлиб қолаверсаям шу ишларни қилармидингиз ишқилиб?» — дея ўзимга ўзим савол бераман. Ана шунда укажон, сизга ёлғон, менга чин, кўнглимнинг ич-ичидан бир жавоб келади: «Эсингдами, тоғу тошларни минг машаққат билан қазиб, сув чиқарган кунинг отанг раҳматлик қўлларини очиб «илоё сувдай азиз бўлгин ўғлим, қаерда яшасанг оёғинг остини обод қил, гулга кўм» дея узоқ дуо қилганди. Ана шу бир калима сўз бутун умрим бўйи менинг шиорим бўлиб қолди...»

Ана кўрдингизми, азиз замондошим! Сизу биз бўлсак китоблару кинолардан ўзимизча қаҳрамонлар излаб юрибмиз. Улар ёнгинамизда-ку, Ўзбекистон деб аталмиш улуғ ва муборак маконда биз билан ҳамнафас, ҳамдарду елкадош бўлиб яшаётир.

**Норқобил ЖАЛИЛ**


# ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

***Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 12,15,19,22,26,29 октябрь ва 2,5,9,12,16,19,23,26,30 ноябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.***

**Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қўйилади:**

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ:**

— Қозиробод 2-тор кўчасида, майдони 0,017 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 952 000 сўм;**

**ЮНУСОБОД ТУМАНИ:**

— Соҳибкор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 256 000 сўмдан;**

— Орифов кўчасида, майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 461 600 сўм;**

***Юқоридагиларга қўшимча тарзда 2004 йилнинг 9,12,16,19,23,26,30 ноябрь ва 3,7,10,14,17,21,24,28,31 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.***

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ:**

— Каттабоғ, 7-тор кўчасида, майдони 0,012 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 757 680 сўм.**

**ЮНУСОБОД ТУМАНИ:**

— «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 352 000 сўм;** 2-мавзеда майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 014 000 сўм,** майдони 0,025 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 845 000 сўм;**

— Минг Ўрик 1-тор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган икки ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 403 960 сўмдан;**

— Ғ.Абдуллаев 2-тор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0.04 га. бўлган учта ер участкаси, **бошланғич нархи — 3 047 200 сўмдан;**

— А.Дониш кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,015 га. бўлган иккита ер участкаси, **бошланғич нархи — 616 500 сўмдан,** майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 822 000 сўм.**

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ:**

— Ҳусанбоев кўчасида, майдони 0,015 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 550 200 сўм;** майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 733 600 сўм.**

— Устабоев кўчасида, майдони 0,0085 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 146 370 сўм;**

— Олмачи кўчасида, майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, ҳар бирининг **бошланғич нархи — 572 000 сўм;** майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 429 000 сўм.**

**ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ:**

— Шамс Кулол 2-тор кўчасида, майдони 0,02 га. бўлган ер участскаси, **бошланғич нархи — 1 556 800 сўм.**

**АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ:**

— Зарафшон 6-ўтар кўчасида, майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 537 600 сўм;**

**СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ:**

— Генерал Ғофуров кўчаси ва Тошкент халқа йўли бурчагида, ҳар бирининг майдони 0.04 га. бўлган олтита ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 392 000 сўмдан;**

**СИРҒАЛИ ТУМАНИ:**

— Сирғали ва Қўрғонтепа кўчалари бурчагида, майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 256 000 сўм.**

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ:**

— Бессарабская кўчасида, майдони 0,012 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 528 000 сўм.**

— Устабоев кўчасида, майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 872 000 сўм.**

— Устабоев кўчасида, майдони 0,038 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 778 400 сўм.**

— Ш.Бурҳонов кўчасида, майдони 0,0178 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 437 880 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал, қолган объектларга савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

**Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.**

***Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.***

**Гувоҳнома №000815**



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV**
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o'rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-44-55
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
**Ma`murjon QIYOMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
**Javlon RASULEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



**Г — 1160**
**7337 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 22.30
1 2 3 4 5
**SOTUVDA ERKIN NARXDA**